

**“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти билан Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан 2021-2023 йиллар учун тузилган Тармоқ (тариф) келишувига ўзгартириш ва қўшимчалар.**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.**

**1. 3.** бандида «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига амал қилган ҳолда» ўрнига куйидагилар киритилсин:

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясига амал қилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан қўйилган: иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий салоҳиятни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлиги ва фаолияти самарадорлигини кучайтириш асосида аҳоли турмуш даражасини кўтариш вазифаси сўзсиз бажарилиши лозимлигини тасдиқлаб;

**2. 4.** Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 29, 47, 52, 81, 87, 98, 100, 103, 105, 111, 122, 129, 135, 138, 144, 154, 182, 187 - сонли конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш.

**3. янги банд.** Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан Қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

**II. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ИШ БЕРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

**4. 7.** “Ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳамда тармоқ тизимидаги корхоналар шаънига путур етказиш қалтисликларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишига ҳар томонлама қўмаклашиш мажбуриятини олган ҳолда тарафлар”га куйидаги бандни куйидагича давом эттириш:

- электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича энг яхши бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тармоқ кўрик-танловида иштирок этиш;

- тармоқ кўрик-танловларида иштирок этиш ташаббуси билан чиқиш.

**5. янги банд.** Меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида касаба уюшмасининг вазирлик билан тизимли ҳамкорлигини таъминлаш.

**III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.**

**6. янги бандлар.**

1. Ходим ва **Иш берувчи** ўртасидаги якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ улар томонидан тузиладиган меҳнат шартномаси асосида юзага келади. (МК-27.)

- Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ёки ташкилот уставида (низомида) назарда тутилган ҳолларда лавозимга тайинлаш ёки лавозимга тасдиқлаш натижасида меҳнат шартномаси асосида юзага келади. (МК-27.)

2. Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномасида назарда тутилган ҳолларда ходим меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган меҳнат вазифасига кўра ишни давом эттираётганда иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақлидир. (МК-136 м.)

3. Меҳнат шартномаси МКнинг 161-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди бўйича бекор қилинганда ишда қолдиришга доир имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилиши тартиби (МК-167-м.) белгиланган.

Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда қуйидагиларга афзаллик берилади:

карамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;

оиласида мустақил иш ҳақи олувчи бошқа ходимлар мавжуд бўлмаган шахсларга;

мазкур иш берувчидаги узоқ муддатли иш стажига эга бўлган ходимларга;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларида меҳнат шартномасига кўра тегишли мутахассислик бўйича ўз малакасини ошираётган ходимларга ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларини тамомлаган шахсларга ўқишни тамомлаганидан кейин мутахассислиги бўйича ишлаш шarti билан уч йил мобайнида;

ушбу ташкилотда меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига учраган шахсларга;

ногиронлиги бўлган шахсларга;

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлар бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

меҳнатдаги ютуқлари учун рағбатлантиришларга эга бўлган ва интизомий жазоларга эга бўлмаган ходимларга;

атом объектларидаги авариялар оқибатида келиб чиққан юқори радиациявий нурланиш билан боғлиқ бўлган нурланиш касаллигига ва бошқа касалликларга йўлиққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ўзига нисбатан бошланган ногиронлигининг атом объектларидаги авариялар билан боғлиқлиги аниқланган ногиронлиги бўлган шахсларга; ушбу авариялар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш иштирокчиларига, шунингдек мазкур объектлардан эвакуация қилинган ёки кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

4. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим билан иш ҳақи, фойдаланмаган таътил учун компенсация ва бошқа тўловлар ҳисоб-китоб қилиниши керак. (МК- 172 модда талабига кўра)

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 129-моддасида номлари келтирилган ходимлар тоифаларидан ташқари яна қуйидаги шахслар ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди:

- Ўзбекистон Республикасида белгилаб қўйилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига тенг иш ҳақи ўрнатилган шахсларга;
- оиласида ягона боқувчи бўлган шахсларга;
- “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”да рўйхатда турган ходимларга.

6. Иш берувчи меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, унга ўзгартиришлар киритиш ишларини қонунчиликда белгиланган тартибда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси”да муқаррар равишда рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди. (МК. 125-м.)

7. **ТК-9. Банди қуйидагича ёзилсин:** Қуйидагилар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганда касаба уюшмаси кўмитасининг розилигини олиш талаб қилинмайди:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддасида назарда тутилган асослардан исталган бирига кўра ташкилот раҳбари, шунингдек алоҳида бўлинма раҳбари билан;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 489-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра ташкилот раҳбари, унинг ўринбосарлари, ташкилот бош бухгалтери, алоҳида бўлинма раҳбари билан.

8. **Янги Меҳнат кодексига биноан ушбу ТК бандларидаги қуйидагича ўзгартириш:**

12. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказишни Меҳнат кодексининг 142-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш.

13. Ходимларни дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб қилишни Меҳнат кодексининг 209, 210-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш.

14. Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишни ва бунда меҳнатга ҳақ тўлашни Меҳнат кодексининг 145-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда календарь йил давомида 60 кундан ошмаган муддатга (ХМТнинг 29-Конвенцияси) амалга оширилишини таъминлаш.

Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун ишлаб чиқариш зарурияти деб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 145-моддаси 2 қисмида кўрсатилган ҳодисалардан ташқари яна жамоа шартномаларида кўрсатилади.

9. **19-бандни** МКнинг 98-моддасига мувофиқлаштириш:

Маълум бир соҳада ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш.

Оммавий равишда ишдан бўшатиш мезонлари технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгариши, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқариши билан боғлиқ бўлган ташкилот ходимларининг сони ёки штати ўзгарганлиги сабабли ёки ташкилот (унинг алоҳида бўлинмаси) тугатилганлиги муносабати билан ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши назарда тутилаётган ходимлар сонининг кўрсаткичларидан иборатдир.

Ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш мезонлари жумласига қуйидагилар киради:

а) ходимларининг сони йигирма нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотни (унинг алоҳида бўлинмасини) тугатиш;

б) ходимлар сонининг (штатининг) қуйидаги миқдорда:

ўттиз календарь кун ичида эллик нафар ва ундан ортиқ ходимнинг;

олтмиш календарь кун ичида икки юз нафар ва ундан ортиқ ходимнинг;

тўқсон календарь кун ичида беш юз нафар ва ундан ортиқ ходимнинг қисқариши.

Иш берувчи камида икки ой олдин Касаба уюшмаси қўмитасига ходимлар оммавий равишда ишдан бўшатилиши мумкинлиги ҳақида ахборот тақдим этади ва ишдан бўшатиш оқибатларини юмшатишга қаратилган маслаҳатлашувлар ўтказди.

## **10. янги бандлар.**

**1.** Олий, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама қўмаклашиш.

**2.** Жамоа шартномаларида, ички ҳужжатларида, меҳнат шартномасида ходимларга иш берувчининг маблағлари ҳисобидан ўрнатилган миқдорда ишдан бўшатиш нафақасини тўлашда қўшимча кафолатлар белгиланиши мумкин, лекин белгиланган бўлмаса қуйидаги ҳолларда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади (МК-173 м).

Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори мазкур иш берувчидаги иш стажига боғлиқ бўлади ва у:

уч йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун – ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан;

уч йилдан беш йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун – ўртача ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан;

беш йилдан ўн йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун – ўртача ойлик иш ҳақининг юз фоизидан;

ўн йилдан ўн беш йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун – ўртача ойлик иш ҳақининг бир юз эллик фоизидан;

ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ходимлар учун – ўртача ойлик иш ҳақининг икки юз фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

**3.** МКданинг 503-моддаси қоидалари меҳнат вазифаси спорт мусобақаларига тайёргарлик кўришдан ва муайян турдаги ёки спорт турлари бўйича спорт

мусобақаларида иштирок этишдан иборат бўлган ходимлар билан меҳнат муносабатларини тартибга солади.

#### **IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ.**

**11. ТК-24. бандига** Меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ходимга ишга қабул қилиш чоғида ва кейинчалик тўлиқсиз иш вақти (тўлиқсиз иш куни (смена) ва (ёки) тўлиқсиз иш ҳафтаси, шу жумладан иш кунини қисмларга бўлган ҳолда) белгиланиши мумкин (МК. 86-м).

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 186-моддасида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгилаб қўйилиши шарт.

**12. ТК-25. бандига** Қўйидагилар учун қисқартирилган иш вақти белгиланади:

- ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган;

- ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун ҳафтасига 24 соатдан ошмайдиган;

- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган;

- ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган.

Ҳар бир корхонадаги меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишлар рўйхати ва уларни бажаришдаги иш вақтининг аниқ давомийлиги жамоа шартномасида иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда белгиланади (МК. 477-м).

Бажарилиши чоғида дастлабки ва даврий мажбурий тиббий кўриклар ўтказиладиган ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларнинг рўйхати ҳамда мажбурий тиббий кўрикларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади (МК. 476-м).

**13. ТК-4.20.бандига.** Меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар ҳар йилги қўшимча таътиллار олиш ҳуқуқига эга.

Қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берадиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътиллارнинг давомийлиги, уларни бериш тартиби ва шартлари жамоа шартномаларида аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади (МКнинг 481-м).

**14. ТК-26. бандига** Ходимларни иш вақтидан ташқари ишга уларнинг розилиги билан жалб қилиш. Меҳнат кодексининг 189-моддасида кўрсатилган ҳолларда ва талабларига риоя этилган ҳолда иш берувчи томонидан ходимни унинг розилигисиз иш вақтидан ташқари ишга жалб этишга йўл қўйилади.

**15. ТК-28. бандига** МКнинг 186,398- моддалари кўрсатилсин.

**16. ТК-29. бандини қўйидаги ёзиш:** Барча ходимлар учун ҳар йилги асосий энг кам меҳнат таътилининг давомийлиги (МКнинг 217-м.) 21 календарь кунини ташкил этади ва жамоа шартномалари ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллار белгиланади.

**17. ТК-37. бандига:** Ўз.Рес. Меҳнат кодексининг 240-моддасига мувофиқ иш ҳақи қисман сақланадиган таътил ва 242-моддасига асосан ходимнинг талабига кўра мажбурий тартибда иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади.

**18. ТК- 38. бандида** МКнинг 226 –моддаси кўрсатилсин.

**19. ТК-39.банди.** Таътил бошланмасдан олдин охирги иш кунида таътил учун ҳақ тўланишини таъминлаш (Меҳнат кодексининг 223-моддаси).

**20. ТК-40. бандига** Йиллик таътиллارни бериш навбати ва тартиби календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 227 ва 228-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда белгиланади.

**21. ТК-41. бандини қуйидагича ёзиш.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқувчилар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар учун имтиёзлар Меҳнат кодексининг V-бўлим талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланади.

## **22. янги банд.**

**1.** Қонунчиликда, шунингдек жамоа шартномаларида, бошқа ички ҳужжатларда ёки меҳнат шартномасида ходимларга ҳар йилги кўшимча меҳнат таътилни бериш муддатлари кўрсатилади.

Агар жамоа шартномаларида кўрсатилмаган бўлса ходимга у битта ташкилотда ёки тармоқда ишлаган ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги кўшимча меҳнат таътили берилади. Йиллик кўшимча меҳнат таътиллари ҳуқуқини берувчи бир ташкилот ёки тармоқдаги иш стажига бошқа иш берувчида ёки бошқа тармоқдаги иш стажи киради (МК- 220-м).

**2.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 202-моддасида назарда тутилган даврлардан ташқари, ходимга дам олиш учун эмас, балки қуйидаги мақсадларда бериладиган, ходимни меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод этишнинг қуйидаги даврлари ҳам дам олиш вақтига кирмайди:

- касаба уюшмаларининг сайлаб қўйиладиган органлари ишида, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар фаолиятида иштирок этиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорлари билан тузилган комиссиялар ишида иштирок этиш;

-касаба уюшмалари томонидан ташкил этиладиган таълим, маданий-маърифий ва спорт тадбирларида иштирок этиш;

- юқори касаба уюшмаси органига ҳисобот топшириш, йўлланмалар олиш;

- касаба уюшмасининг уставида белгилаб қўйилган (Кўмита, Раёсат, Ижроия кўмита, Пленум йиғилишлари, давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар ва бошқа) тадбирларда иштирок этиш.

**3.** Ходимларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 205-моддасида назарда тутилган танаффуслардан ташқари иш куни (смена) давомида иш вақтига киритиладиган қуйидаги кўшимча танаффуслар берилади:

а) чанқокни қондириш учун;

г) табиий эҳтиёжларни қондириш;

- д) дори воситаларини қабул қилиш учун;
- е) умумтаълим мактабларида ўтказиладиган ота-оналар мажлисларида иштирок этиб келиш учун;

**4.** Ҳар йилги асосий узайтирилган таътиларни бериш тартиби (МК-218 м). талабига кўра қуйидагиларга ёши ва соғлиғининг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилади:

ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга – ўттиз календарь кун;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга – ўттиз календарь кун.

ҳар йилги асосий узайтирилган таътилнинг давомийлигини унинг қонунчилик билан кафолатланган давомийлигига нисбатан кўпайтириш жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилади.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 229-моддасида назарда тутилган ходимлар тоифаларига қўшимча равишда ходимлар қуйидаги ҳолларда ҳар йилги меҳнат таътилини бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга:

а) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;

б) ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг муддати бошланганда;

в) ҳар йилги меҳнат таътили ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;

г) давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажараётганда, агар қонунчиликда бундай мажбуриятларни бажариш учун ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса;

д) ходимнинг санаторий ёки дам олиш уйига пули тўланган йўлланмаси мавжуд бўлса;

е) яқин қариндошлари вафот этган тақдирда;

ё) ходимнинг ўзи ёки унинг фарзандларининг тўй маросимлари пайтида.

**6.** Иш берувчи ходимни меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этишнинг барча ҳолларида у олмаган иш ҳақининг ўрнини унга қоплаши шарт. (МК-320 м.)

**23. ТК- 34.-35. бандлар қуйидагича ўзгартирилсин. Иш берувчи** қуйидаги ҳолларда ходимнинг иш ҳақи сақланиб қолинадиган ижтимоий таътилар бериш ҳақидаги илтимосини қаноатлантиришни ўз зиммасига олади:

а) яқин қариндоши вафот этганда – 3 кун;

б) ходим ёки фарзандларининг тўй маросимини ўтказишда – 3 кун;

в) табиий офатлар юз берганда – 2 кун;

г) янги турар жойга кўчиб ўтишда – 1 кун;

д) фарзанди I-синфга борганда – 1 кун;

е) фарзанд туғилиши муносабати билан унинг отасига – 2 кун;

ж) коронавирус инфекциясидан эмланган куни – 1 кун;

Ходимнинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари ва турмуш ўртоғи яқин қариндошлар деб ҳисобланади. (МК- 238 м.)

#### **24. янги бандлар.**

**1.** Ижтимоий таътилар ҳар йилги меҳнат таътилидан ташқари берилади. Ходим томонидан белгиланган муддатларда фойдаланилмаган ижтимоий таътил бошқа муддатга ўтказилиши мумкин эмас. Ижтимоий таътиларни жамлаб ҳисоблашга ва пулли компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. (МК-239-модда)

2. Касаначининг ҳар йилги меҳнат таътили давомийлиги 21 календарь кун миқдорида белгиланади ёки йиллик меҳнат таътилини бериш вақти ва навбати касаначи билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланган жадвалда белгилаш. (МК 449-м)

3. Жамоа жамоа шартномаларда белгиланган алоҳида ҳолларда айрим объектларда вахтанинг давомийлиги уч ойга қадар узайтирилиши мумкин. Вахта объектда ишларни бажариш ва вахтанинг давомийлиги МКнинг 467-моддасига биноан берилади.

## **V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ .**

**25. 43. бандини қуйидагича ўзгартириш:** Меҳнат кодексининг 4-бўлимининг 15, 16, 17-боби талабларига риоя қилинишини таъминлаш.

### **26. янги бандлар.**

1. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни жамоа музокаралари натижасида ўрнатилишини таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сонли “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига биноан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаб, уларнинг малака даражасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади.

3. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишни тегишли тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши билан олдиндан келишиб олинишини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ)ни баҳолашга бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш (БЖК-36 б.).

4. Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўланишини давлат ва касаба уюшмалари меҳнат инспекциялари томонидан назоратга олиш (БЖК-40 б.).

**27. Янги Меҳнат кодексига биноан ушбу бандлардаги моддаларни қуйидагича ўзгартириш:**

50. Ходимнинг айбисиз юзага келган бўш туриб қолишлар учун ўртача иш ҳақининг сақланишини таъминлаш (МКнинг 267 –м.).

51. Дам олиш ва байрам кунларидаги, ишдан ташқари вақтдаги ишлар учун икки баробардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланишини ёки бир баробар ҳақ тўлаган ҳолда дам олиш кунлари (отгул) берилишини таъминлаш (МКнинг 262, 263 – м.).

52. Тунги вақтдаги (соат 22-00 дан 6-00 гача) ишнинг ҳар бир соати учун бир ярим баробар миқдорда ҳақ тўлаш (МКнинг 264 –м.).



53. Меҳнат кодексининг 286, 288-моддаларида кўзда тутилган харажатлар ходим томонидан тегишли хужжатлар тақдим этилганда жамоа шартномаларида белгиланган тартибда ва миқдорларда қопланишини таъминлаш.

54. “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимида кадрлар қўнимсизлигига йўл қўймаслик, ходимларнинг ишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларнинг меҳнат стажларини инобатга олиб, молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда “Йил якуни бўйича рағбатлантириш” ва “Хизмат қилган йиллари учун рағбатлантириш” низомларини ишлаб чиқиш ҳамда уни барча корхона ва ташкилотларда жорий қилиш.

55. Меҳнат кодексининг 253-моддаси талабларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида иш ҳақидан қарздорликка йўл қўймаслик бўйича ўз вақтида чоралар кўриш.

58. Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини, иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир қўшимча вазифаларни бажаришда ҳамда жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда ана шу вазифаларни бажариш даврида унинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақини сақлаш. (МКнинг 280, 282 - моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1997й. 133-сон қарорининг 5-илоvasи).

## **28. Ушбу банд ўз кучини йўқотган.**

57.банди. Ходимларга иш ҳақи тўлаш муддати корхонанинг депозит ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги сабабли кечиктирилганда – иш берувчига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.03.2002й. 88-сон қарорига мувофиқ) иш ҳақини тўлаш учун банкдан кредит олиш мажбурияти юкланади.

**29. 61. банди куйидагича тахрир қилинсин:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-рақам билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома” ўз кучини йўқотганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги Низом” билан тартибга солинади.

Хизмат сафарига юборилган тақдирда иш берувчи ходимга куйидагиларни қоплаши шарт:

йўлкира харажатлари; турар жой ижараси харажатлари;  
доимий яшаш жойидан ташқарида яшаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар (суткалик);

ходим томонидан иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан қилинган бошқа харажатлар.

Бунда:

а) йўл хужжатлари мавжуд бўлмаганда хизмат сафари йўлқирасига жамоа шартномаларида кўзда тутилган ҳақ тўлаш ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоизидан кам бўлмаган миқдорида амалга оширилади;

б) кундалик харажатлар учун ҳақ базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,35 баробаридан кам бўлмаган миқдорда белгиланади;

в) меҳмонхона харажатларининг бир кунлик қоплаш миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баробаридан ошмаслиги лозим;

г) турар жойда яшаганлиги бўйича харажатларни тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳар бир сутка учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида қопланади.

### **30. янги бандлар.**

1. Илғор халқаро тажриба асосида меҳнатни меъёрлаштириш ва унга ҳақ тўлаш соҳасида меҳнат нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш (БЖК-42 б.).

2. Нотинч ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Оилавий саёҳат” туристик пакетларни жорий этиш (БЖК-81 б.).

3. Фавқулудда ҳолатлар юзага келган тақдирда аҳоли учун Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тинчликни ва қарши ҳаракат салоҳиятиини таъминлаш мақсадида бандлик ва муносиб меҳнат тўғрисида”ги 205-сон Тавсияси асосида ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш (БЖК-82 б.).

4. Меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдори иш берувчи ҳамда ходим ўртасидаги келишувга кўра, бажариладиган ишнинг мураккаблиги ва шартлари, ходимнинг касбий-малакавий ва ишчанлик сифатлари, унинг меҳнати ҳамда ташкилотнинг хўжалик фаолияти натижалари ҳисобга олинган ҳолда ушбу иш берувчида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларига мувофиқ белгиланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, шу жумладан тариф ставкалари, маошлар, компенсация хусусиятига эга қўшимча тўловлар ва устамалар, шу жумладан нормал шароитлардан четга чиқувчи шароитлардаги иш учун шундай қўшимча тўловлар ҳамда устамалар миқдорлари, рағбатлантирувчи хусусиятга эга қўшимча тўловлар ва устамалар тизимлари ҳамда мукофотлаш тизимлари жамоа шартномасида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишувга кўра қабул қилинадиган ички ҳужжатларда, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ меҳнат шартномасида белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори бирор-бир энг кўп миқдор билан чекланмайди. (МК 246-модда)

### **31. 50., 51., 52., 53., бандлари куйигича ўзгартириш.**

Иш берувчи куйидаги кафолатли қўшимча тўловларни амалга ошириши шарт (МК-281-модда):

иш берувчига ва ходимга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бекор туриб қолиш чоғида бундай бекор туриб қолиш давом этган вақтга мутаносиб равишда ҳисобланган ўртача иш ҳақининг тўлаши;

иш берувчига ва ходимга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ходим томонидан меҳнат нормалари, меҳнат (лавозим) мажбуриятлари бажарилмаганда ходимнинг амалда ишлаб берган вақтига мутаносиб равишда ҳисобланган тариф ставкасининг (маошнинг) камида учдан икки қисмини сақлаб қолиши;

Тунги вақтдаги (соат 22-00 дан 6-00 гача) ишнинг ҳар бир соати учун бир ярим баробар миқдорда ҳақ тўлаш;

дам олиш, ишланмайдиган байрам кунларидаги ва иш вақтидан ташқари иш учун икки баробардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланишини ёки бир баробар ҳақ тўлаган ҳолда дам олиш кунлари (отгул) берилиш;

ўзи учун иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги белгиланган ходимларга тўлиқ иш вақтида ишловчи тегишли тоифадаги ходимлар учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдоригача бўлган қўшимча тўловни амалга ошириши;

ушбу Кодексда назарда тутилган айрим асослар бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинганда мазкур Кодекснинг 173-моддасининг учинчи қисмида белгиланган миқдорда ишдан бўшатиш нафақасини тўлаши;

қонунчиликда белгиланган тартибда ўртача иш ҳақи ёки унинг бир қисми миқдорида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа тўлаши.

## **VI. МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ГИГИЕНАСИ.**

**32. 89. бандига** Меҳнат кодексининг 360 – моддасини ёзиш.

**33. 97. банд куйидагича ёзилсин.** Меҳнат муҳофазаси бўйича битим тузади (меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари режаси ва сарф-харажатлар сметасига киритади) ва **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишган ҳолда жамоа шартномасига илова қилинади.

**34. 98. бандини куйидагича бандтаги билан давом эттириш:**

- ҳар йили 28 апрель “Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни”га бағишлаб ҳафталик ташкил этиш ва барча ташкилотларда нишонланишини ташкил этиш.

**35. Ушбу бўлимга куйидаги янги бандларни киритиш:**

**1.** Ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланишларини олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш.

**2.** Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган меҳнат муҳофазасига оид Конвенциялари талаблари бажарилиши устидан ташкилий-ҳуқуқий шаклидан катъий назар барча ташкилотларда мониторинг олиб бориш.

**3.** 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ишларида иштирок этиш, муносиб меҳнат мақсадига етишда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши учун тизимли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш.

**4.** Иш берувчи ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши ёки касб касаллиги туфайли ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зиён МКнинг 321-моддаси талабига кўра ўрнини қоплаш.

Иш берувчи ўз худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнат вазифаларини бажаришда, шунингдек иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига бориш ёки ишдан қайтиш вақтида меҳнатда майиб бўлиши туфайли ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зиён учун моддий жавобгар бўлади.

Иш берувчи, агар зиён унинг айби билан етказилмаганлигини исботлаб беролмаса, меҳнатда майиб бўлиш ва (ёки) касб касаллиги туфайли ходимга етказилган зиённинг ўрнини қоплаши шарт.

Ўз меҳнат вазифаларини бажараётган вақтида юқори хавф манбаидан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зиённинг ўрнини иш берувчи, агар зиён уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар туфайли ёки жабрланувчи қасддан қилганлиги оқибатида келиб чиққанлигини исботлаб беролмаса, қоплаши шарт.

## **VIII. ИЖТИМОЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР.**

**36. 102. банддаги моддаларни куйидагиларга ўзгартириш:** Корхоналарда жамоа шартномалари орқали Меҳнат кодексининг куйидаги моддаларида назарда тутилган кафолат ва имтиёзлар берилишини таъминлаш:

а) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар учун (167, 227, 228, 240, 242-моддалар);

б) атом объектларидаги фалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар учун (167-модда);

в) I ва II гуруҳ ногиронлари учун (96, 218, 227, 228, 242, 360, 423, 424, 425, 426, 427, 428, 429, 430, 431, 458-моддалар).

### **37. Куйидаги янги бандларни киритиш:**

1. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш Стратегиясида қўйилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган ”2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”ни амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

4. Жамоа шартномалари орқали кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

5. **Ногиронлиги бўлган шахслар** меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шарт-шароитлари борасида улар ўзи учун қонунчиликда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланади. (МК-425 м.)

## **XI. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ.**

### **38. Куйидаги янги бандларни киритиш:**

1. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, шунингдек республиканинг экология жиҳатдан ноқулай минтақаларида истиқомат қилувчи болаларни соғломлаштирилишига доимий равишда кўмаклашиш.

2. Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратишларини тавсия этиш.

## **X. РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

### **39. 141. бандни олиб ташлансин.**

40. **144. бандини куйидагича ёзиш.** Тармоқ корхоналарида санаторий ва дам олиш уйларига солиқ ажратмаси ҳамда аъзолик бадалларидан келиб тушган маблағлар ҳисобидан бериладиган йўлланмаларни, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-24- сонли қарори билан тасдиқланган йўлланмалар бўйича йўриқнома талабларига риоя қилган ҳолда берилиши ҳамда мақсадли фойдаланишини назорат қилиш.

## **XII. ТАРАФЛАРНИНГ БИРГАЛИҚДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

**41. 163. бандини куйидаги сўзлар билан давом эттириш.**

“...ходимларнинг янги тахрирдаги Меҳнат кодекси ҳақида хабардорлигини ошириш”.

**42. янги банд.** Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган тақдимномаларини иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) кўриб чиқмаганда ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда Давлат меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш.

**XIII. АЁЛЛАРГА ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАР.**

**43. 178. бандини куйидагича ёзиш.** Жамоа шартномаларида куйидагилар назарда тутилишини таъминлаш:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

**44. 93. бандини куйидагича ёзиш.** Жамоа шартномаларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш,

хотин-қизлар учун саёҳатларини ташкил этиб бориш;

узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш.

**XIV. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР.**

**45. 180. бандининг 3-бандтаги куйидагича ўзгартирилсин.**

- “Устоз – шогирд” тизимини кенг жорий этиш ва таълим муассасаларини битириб янги ишга қабул қилинган ёшларни малакали ва тажрибали мураббийларга бириктириб қўйиш ҳамда кўнимлигини таъминлаш;

**46. 181. бандини куйидагича ўзгартирилсин.** Корхоналарда жамоа шартномалари орқали ёшлар учун Меҳнат кодексида кўзда тутилган куйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (МКнинг 129, 218, 227, 228, 230, 232, 341, 343, 360, 411, 412, 413, 414, 415, 416, 417, 418, 419, 420, 421, 422 –м.);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (МКнинг 167, 227, 228, 383, 384, 385, 386, 387-м.);

в) таълим муассасасини битирган ходимлар учун (МКнинг 96, 129, 161, 167, 289- м.).

**47. янги бандлар:**

1. Иш берувчи томонидан ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш. (МК 367-м)

2. Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтиш чоғида ходимлар таълим ташкилотида белгиланган қоидаларга риоя этиши, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш натижаларини иш берувчига тақдим этиши шарт. (МК 370-модда).

**XVI. ИЖТИМОЙ МУЛОҚОТ ВА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.**

**48. янги бандлар.**

1. Ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисобварағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш.

2. Жамоа келишувининг амал қилиши, вакиллари ушбу келишувни тузган ходимлар ва иш берувчиларга нисбатан татбиқ этилади. Меҳнатга ҳақ тўлашни нархларнинг ўзгаришларидан, инфляция даражасидан, нарх-наво ўзгариши билан иш ҳақи ҳам ўзгаради. (МК. 85-м.)

3. Жамоа шартномаларда қонунчиликка зид келмайдиган меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир қоидалар киритилади. (МК. 90-м.)